

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 4 февраль, № 25 (4688) Чоршанба

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№ 280209

## ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш учун 3 февраль куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.

**(ЎзА).**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 3 февраль куни Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси, Ҳиндистон Республикаси ва Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Анн Боти хоним, Манал Шах Алкадри, Роберт Копецки ишонч ёрлиқларини топширди.***

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганлари билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида 1992 йил 7 май куни дипломатия муносабатлари ўрнатилган. 1993 йилнинг май ойидан Тошкентда Швейцария Конфедерациясининг элчихонаси фаолият кўрсатмоқда.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари Ўзбекистон ва Швейцария раҳбарларининг учрашувларида белгиланган.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий асосини савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, техникавий ва молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ташкил қилади. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилган. 1995 йилдан буён Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-кўргазма маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Швейцарияга асосан энергия манбалари, пахта толаси, қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар экспорт қилади. Бу мамлакатдан транспорт ва коммуникация хизматлари, фармацевтика маҳсулотлари, механик ва электрик ускуналар, оптик қурилмалар, озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилади.

Ўзбекистонда швейцариялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 91 қўшма корхона, ушбу мамлакатдаги 33 фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Креди Свисс» банки ҳам Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

2002 йилда Швейцария элчихонаси ҳузурида Ҳамкорлик бўйича бюро иш бошлади. У қўшма ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланади. Умумий қиймати 22 миллион АҚШ долларига тенг 17 лойиҳа амалга оширилди. Яна 42 миллион долларлик 13 лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Ушбу лойиҳалар жойларда сув таъминоти тизимларини барпо этиш, иссиқлик узатиш тармоқларини реконструкция қилиш, касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш, маиший хизмат, компьютер технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган.

Анн Боти хоним икки томонлама алоқалар жадал ривожланаётганини таъкидлаб, Ўзбекистондаги фаолияти давомида бу ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан ёндашишини таъкидлади.

Ҳиндистон Ўзбекистоннинг анъанавий дўсти ва ишончли шеригидир. Замонлар синовидан ўтган, халқларимизнинг азалий дўстлиги ва маънавий яқинлигига асосланган ўзаро муносабатлар истиқлол йилларида янгича руҳда ривожланмоқда.

Ҳиндистон Ўзбекистон билан олий даражадаги мулоқотларни мунтазам йўлга қўйган. Хусусан, 2005 йилда Президент Ислом Каримов Ҳиндистонга ташриф буюрган бўлса, 2006 йилда Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга келди. Бу ташрифлар асносида

(Давоми 2-бетда).

## «МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДАМИЗ»

**— дейди суратдаги кўзлари қувончдан порлаб турган Жиззах шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари**

*Юртимизда ҳеч бир фарзанд ғамхўрлик ва эътибордан бебаҳра эмас. Навқирон ўғил-қизларнинг беқиёс меҳр оғушида камол топаётганликлари, муҳташам, замонавий таълим даргоҳларида қунт ва қизиқиш ила илму ҳунар эгаллаётганликлари Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини, уларнинг келажаги ёруғ эканлигини англатади. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган чуқур эътибор ўғил-қизларнинг пухта билимли, ноёб қобилиятли, тенгсиз истеъдодли шахс бўлиб камолга етишларини таъминлаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлардир.*




**Қадрият**

Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам ана шундай юксак ғамхўрликдан баҳраманд ҳолда униб-ўсмоқдалар. Уларнинг бири спорт, бири мусиқа, яна бири илму фан борасида ўз иқтидорини намоён этмоқда. Бундай ютуқлар, шубҳасиз, тарбия масканида яратилган соғлом тарбиявий муҳит ва қулай шарт-шароит билан боғлиқдир. Негаки, Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг баркамол шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш борасида барча ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилган.

Меҳрибонлик уйи бундан уч йил аввал қайта реконструкция қилиниб, замонавий тус олган эди. Айтиш жоизки, бу ерда тарбияланаётган 119 нафар боланинг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб қулай имкониятлар мавжуд.

— Тарбия масканимизда ўғил-қизларнинг ҳар бири мустақил фикрли, касб-ҳунарли, мустаҳкам билимли ёшлар бўлиб вояга етиши учун ҳаракат қилинаяпти, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Н. Тоғаев. — Бу ерда 5210 та китоб захирасига эга бўлган кутубхона, ҳар тўрт бола учун мўлжалланган ётоқ жойлари, алоҳида дам олиш хонаси, ҳунар ўрганишга мўлжалланган махсус аудиториялар, замонавий спорт мажмуаси ҳамда сауна ишлаб турибди. Қолаверса, зардўзлик, мусиқа, тикувчилик, юмшоқ ўйинчоқ тикиш, спорт, "Тафаккур гулшани" сингари тўгараклар болажонларнинг бўш вақтини самарали ўтказишда асқотмоқда.

— Биз бу ерда тўрт ака-ука яшаймиз, — дейди Исломжон Тўхтаев. — Мураббийимиз Баҳром ака Ашуровдан спортнинг бокс тури бўйича таълим оламиз. Ўтган йили мен ва Озодбек укам бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир ғолиби бўлдик. Кичик укаларим Бахтберган ва Рўзибек эса вилоят чемпионатида ғалаба қозонишди. Биз – ака-ука спортчилар келгусида дунёда таниқли бокс усталари бўлишни орзу қиламиз. Устозларимиз, тарбиячи опаларимиз кўмагида ўқиб-ўргансак, спорт билан шуғулланиб, ҳар томонлама кучли бўлсак, эртага катта ғалабалар бизники бўлади.

Ҳа, боланинг орзуси беғубор. Унинг пок дилига жо бўлган нияту мақсадлар ён-атрофдагилар мадади туфайли бўй чўзади, рўёбини топади. Ана шундай савоб ишга бош қўшаётган юртдошларимиз бор экан, истеъдодли фарзандларимиз сафи тобора ортаверади.

**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МУҲИМ ҲАМКОР

***Францияда нашр этиладиган «L'Essentiel des Relations Internationales» («Халқаро муносабатлар бош саҳифа хабарларида») журналининг январь ойи сонида «Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор» сарлавҳали мақола чоп этилди.***

**Дунё нигоҳи**

«L'Essentiel des Relations Internationales» ҳар икки ойда бир маротаба нашр этилади ва адади 90 минг нусхадан иборат. У Франция, Бельгия, Швейцария, Канада ва Африка мамалакатлари, шунингдек, халқаро сиёсий ва молия доиралари, дипломатия ваколатхоналари, хориждаги француз элчихона ва консулхоналарида тарқатилади. Журнал саҳифаларидан дипломатия, халқаро сиёсат ва иқтисодиёт ҳамда маданий ҳаётга оид хабар ва мақолалар ўрин олган.

Ўзбекистонга бағишланган мақола муаллифи, франциялик журналист И. Тайеб қуйидагиларни қайд этади: «Марказий Осиё юраги ва Буюк Ипак йўли чорраҳасида, жойлашган Ўзбекистон Шарқнинг энг ёрқин ва ўзига хос маданиятларидан бирини ўзида ифода этган. Ушбу замин жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим, файласуф ва шоирларни дунёга туҳфа этган.

Жорий йилда Ўзбекистон халқи истиқлолнинг 18-йиллигини кенг нишонлайди. Мустақиллик даврида босиб ўтилган тараққиёт йўлига назар ташланса, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ, дунёвий демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида эришилган улкан ютуқларни қайд этиш мумкин, деб ёзади «L'Essentiel des Relations Internationales».

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти фаол суръатларда ривожланмоқда. Амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда мамлакатнинг иқтисодий юксалишида барқарорликка эришилди.

Ўтган беш йил мобайнида республика ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръати 7 фоиздан ошди. Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланиши аниқ мақсадга йўналтирилган бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар, соҳалар ва корхоналарни янгилаш ва техникавий қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортга йўналтирилган янги рақобатбардош маҳсулот турларини яратиш орқали таъминланмоқда.

Ўзбекистонда хориж ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай муҳит яратилган. Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётига умумий ҳажми 100 миллиард АҚШ долларидан зиёд инвестиция жалб этилди. Шулардан 25 миллиарддан ортиғи хориж сармоядорлари томонидан киритилган маблағлардир. Аниқ соҳаларга тўғридан тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳажми ҳам тобора ортиб бормоқда. Ёқилғи-энергетика ва телекоммуникация ҳамда енгил саноат каби ишлаб чиқариш тармоқларида юксак сармоявий фаоллик давом этаётир.

Кўплаб дунё мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами тобора кенгаяётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарорлиги ҳамда хориждаги молиявий манбаларга боғлиқ эмаслиги билан ажралиб турибди.

Республика ижтимоий тараққиёти тўғрисида сўз юритганда, аввало, таъкидлаш жоизки, давлат бюджетининг 51 фоизи ижтимоий эҳтиёжларга, хусусан, тиббий хизмат кўрсатиш ва таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши эътиборга олиниб, янгича дунёқарашга эга ва мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш билан боғлиқ бўлган мураккаб вазифаларни бажара олишга қодир бўлган кадрларни тайёрлашга катта аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштириш, унинг сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга улкан эътибор қаратилмоқда. Зеро, мамлакатда қабул қилинган илк қонун ҳужжатларидан бири бу айнан «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўлди. Мазкур соҳа учун ажратиладиган маблағлар ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 12 фоиздан ортиғини ташкил этади. Жаҳон амалиётида эса бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатда қарийб 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида амалга ошириб келинаётган ва мазмун-моҳияти жиҳатидан ўзига хос бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури яхлит узлуксиз таълим тизимини ташкил этади. Давлат таълим дастурларининг амалга оширилиши натижасида сўнгги йилларда мамлакатда 1140 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи қурилиб, 4680 та умумтаълим мактаби қайта таъмирланди.

(Давоми 2-бетда).

**Фармон ва ижро**

***Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ер майдонларидан, техникалардан, ёнилғилардан самарали ва тежамли фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотларни сотиш ишларини, бир сўз билан айтганда, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш кўзда тутилган.***

## Фермерларга техника берилмоқда

Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фермерларга лизинг асосида кичик технологиялар, техника ва турли ускуналар олиб берилди. Улар учун хориждан 15 дона "Клаас-Доминатор", 87 дона "МТЗ" русумли тракторлар, 3 дона "Енисей" комбайни келтирилди. Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан эса йигирма беш нафар қишлоқ мулкдорига қорамол сотиб олиш учун 254 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бундай эътибор уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



## Минитехнологиялар — ишлаб чиқаришга

**2008** **йилда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси мамлакатимиз корхоналарига** **70** **миллион АҚШ доллари қийматидаги минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилишда ёрдам берди.**

**Мазкур палата томонидан юртимиз ва хорижий давлатларда кўплаб кўргазма-ярмаркалар, бизнес-форум ва семинарлар ташкил этилгани, маҳаллий корхоналарга чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга кўмак берилгани туфайли шундай натижага эришилди.**



# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қаҳратон қиш муаммоси

***Буюк Британияда ёғаётган кучли қор мамлакат аҳолисига кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.***



«The Financial Times» газетасининг ёзишича, транспорт қатновида узилишлар юзага келган, натижада мамлакатдаги ишчи-ходимларнинг 20 фоизи ўз хизмат жойига етиб бора олмаган. Мутахассислар ноқулай об-ҳаво Буюк Британия иқтисодиётига кунига бир миллиард евро миқдорида молиявий зарар келтираётганини билдиришган.

Мамлакат кичик бизнес федерацияси тахминларига кўра, агар об-ҳаво кескинлиги давом этаверса, шундоқ ҳам молиявий тақчилликни бошдан кечираётган Буюк Британия иқтисодиёти янада оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Таъкидлаш керак, бу ерда сўнгги 18 йилда қиш синовлари бу қадар жиддий кўриниш олмаганди.

## Полиция маҳкамасига ҳужум

***Греция пойтахти Афина шаҳридаги полиция маҳкамасига ҳужум уюштирилди. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди.***

Дастлаб маҳкама биноси ўққа тутилган, кейин эса граната улоқтирилган. Мазкур хунрезликдан ҳеч ким жабрланмаган.

Ҳозирча ҳужум ким томонидан ва нима мақсадда амалга оширилгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг тахминларига кўра, ушбу ҳаракатлар ортида «Инқилобий кураш» босқинчилик гуруҳи турган бўлиши мумкин.

## Иқтисодиётни барқарорлаштириш учун

***Австралия ҳукумати мамлакат иқтисодиётини юксалтириш мақсадида 42 миллиард доллар (26,5 миллиард АҚШ доллари) миқдорида маблағ ажратишга қарор қилган.***



Мамлакат молия вазири Уэйн Своннинг билдиришича, мазкур маблағнинг асосий қисми инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, мактаб ва тураржой бинолари қурилишига йўналтирилади. Қолган қисмини эса ишсиз ва камбағалларга ёрдам сифатида сарфлаш кўзда тутилган.

## Аукционга қўйилади

***"Citigroup Inc" компанияси ўзининг Япониядаги "Nikko Cordial Securities Inc" брокерлик бўлимини сотишни режалаштирмоқда.***

Манбада айтилишича, унинг баҳоси тахминан 25 триллион иена(280 млрд. АҚШ доллари)ни ташкил этади. Айни пайтда мазкур брокерлик бўлимининг кунчиқар юртда 111 та шохобчаси мавжуд бўлиб, уларни харид қилиш истагида бўлганлар орасида "Mitsubishi UFJ Financial Group Inc.", "Mizuho Financial Group Inc." ва "Sumitomo Mitsui Financial Group Inc." компаниялари асосий даъвогарлардан саналади.

Ушбу брокерлик бўлими февралнинг охирида ташкил этиладиган аукционда сотилиши кутилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Мамлакатимизда солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва либераллаштириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Бунинг самарасини солиқ юки йил сайин енгиллаштирилаётгани ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар берилаётгани мисолида яққол кўришимиз мумкин. Тизимда олиб борилаётган изчилислоҳотларнинг бари иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги Солиқ кодекси ва жорий йил бошидан амалиётга татбиқ этилган мазкур кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун замирида ҳам шундай эзгу мақсадлар мужассам.***

# РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ

Солиқ тизими ходимлари зиммасига солиқ тўловчиларга ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенгроқ тарғиб қилиш, кенг жамоатчиликни соҳадаги янгиликлар билан ўз вақтида таништириш, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни кечиктирмасдан ундириш, йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби вазифалар юклатилган. Сир эмас, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, давлат бюджетига тегишли даромадлар тушуми солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш йўли билан таъминланади. Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Қонунларнинг мазмун-моҳияти аҳолига чуқурроқ англатилса, унинг ижроси осон кечади, — дейди мазкур бошқарма бошлиғи Рустам Кўчқоров. — Шунинг учун биз мавжуд қонунлар ва уларга киритилган ўзгартишлар, энг муҳими, берилаётган имтиёзлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ҳар ойда солиқ тўловчилар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда семинарлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар қилинаяптики, улар ўзининг ижобий самарасини бераётир. Масалан, Президентимизнинг 2008 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, сервис хизматлари кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналарнинг фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод қилиниш имтиёзи 2012 йилгача узайтирилди. Тадбиркорларга бундай имтиёз ва енгилликлар атрофлича тушунтирилмоқда.

Дарҳақиқат, солиқ юкининг йилдан-йилга пасайиб бориши ва унинг амалиётда қўлланилишидан, аввало, тадбиркорлар манфаатдор бўлмоқдалар. Жумладан, вилоятда ягона солиқ тўловчилар сони 3716 тани ташкил этгани ҳолда, солиқ юкининг камайиши, яъни ягона солиқнинг 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизга пасайтирилиши ҳисобидан солиқ тўловчилар ихтиёрига катта миқдорда қўшимча маблағ қолди. Албатта, бу сармоя тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва моддий базани такомиллаштиришга йўналтирилаяпти.

**Солиқ**



Буни биргина «Матлуботсавдо» тизимининг ислоҳ қилиниши, чунончи, савдо дўконларининг хусусий ишбилармонлар ихтиёрига топширилиши исботлаб турибди. Гап шундаки, тизимда солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳисобидан ўтган йили 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди. Бу вилоят марказидан 150 километр узоқликдаги Бойсун туманида аҳолига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида 2 та замонавий корхона барпо этишга молиявий замин яратди. Шунингдек, ана шундай имтиёз туфайли аҳолига уяли алоқа хизмати кўрсатиш корхонаси 312 миллион сўм, «Сурхон Атлантик» меҳмонхонаси эса 57 миллион сўм қўшимча маблағга эга бўлди.

Албатта, берилаётган енгилликлар, олиб борилаётган кенг кўламли тушунтириш ишлари барча тадбиркорларга бирдек таъсир этаяпти, деб бўлмайди. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси назорат қилинганда, бу жараёнда кўплаб қонунбузилишларга дуч келинди. Аксарият савдо дўконлари, хизмат нуқталарида назорат касса машиналари ўрнатилган бўлса-да, тушум пуллари кирими ва уни банкларга топширишда қонун бузилишларига йўл қўйилгани маълум бўлди.

Солиқ бошқармаси ходимлари томонидан 2008 йилнинг январь-ноябрь ойларида вилоят бўйича нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга қарашли савдо нуқталарида жами 467 та қисқа муддатли текшириш ўтказилганда эса, барчасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Яъни, 312 ҳолатда назорат касса машинасидан фойдаланмаслик, 18 ҳолатда НКМни ўрнатмасдан фаолият кўрсатиш, 119 ҳолатда нақд пул тушумини банк кассаларига топширмаслик каби қонунга зид ишлар кузатилди. Масалан, Денов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркор Умид Раҳимовга қарашли хизмат кўрсатиш шохобчасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда аниқланишича, тадбиркор назорат касса машинаси ўрнатмасдан фаолият юритган. Қумқўрғон тумани ҳудудида жойлашган "Нонушта" савдо-ишлаб чиқариш корхонасида ҳам худди шундай ҳолат қайд этилди. Шунингдек, тегишли идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган 116 та рейд натижасида 328 ҳолатда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилгани ошкор бўлди.

Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш ва улар ишига асоссиз аралашиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили режадан ташқари текширувлар сони бир неча мартага қисқарди. Текширувларнинг учдан икки қисми комплекс тарзда амалга оширилди.

— Шу йил бошидан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни кучга киргани мамлакатимизда солиқ сиёсатининг навбатдаги босқичини бошлаб берди, — дейди суҳбатдошимиз. — Унга асосан, Кодекснинг етмиш тўққизта моддасига ўзгартишлар киритилди. Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ солинадиган базани белгилашга, солиқ имтиёзлари ва чегирмалар қўллашга доир ягона ёндашувларни жорий этишни назарда тутадиган янги нормалар ва қоидалар белгиланди. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар Кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш билан бирга, жисмоний шахслар ҳамда айрим фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарувчиларга бирталай имтиёзлар яратиб берилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**Абди ҚОДИРОВ.** t


«NAMUNA ENERGOMERA» МЧЖ

"ЭНЕРГОМЕРА" концерни томонидан ишлаб чиқарилган

**ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАРНИ**

*таклиф этади.*

| | |
|---|---|
| Бир фазали | CE 101 |
| Уч фазали | CE 300 |
| Актив ва реактив қувват ўлчагичи | CE 302 |
| Кўп тарифли ўлчагичлар | CE 301; CE 303 |
| Кўп вазифали | ЦЭ 685 ОМ; CE 304 |
| **Трансформаторлар** | |
| Номинали 3015 дан 160015 гача | MSQ- 0,66 |



Маҳсулот «Ўзстандарт» аг-ги метрологик текширувидан ўтган Хизматлар лицензияланган, маҳсулот сертификатланган.

Шунингдек, электр қувватини тижорат ҳисобга олиш автомати тизимини (АСКУЭ) жорий этиш бўйича ишларни амалга оширади.

Тел./факс:(99871) 277-38-26, (99871) 271-23-75,

e-mail: ekt.tashkent@rambler.ru

*1000043, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Е-мавзеси 1-уй, 3-кв. (мўлжал метронинг «Ҳамза» бекати).*

84R/928



Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

1767R/1759



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

**ХАЛҚ БАНКИ**

*2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши муносабати билан*

**банкнинг янги «Миришкор деҳқон» муддатли омонат турини таклиф этади.**



Омонатга пул маблағлари 2, 4 ва 6 ой муддатга чекланмаган миқдорда йиллик 24 фоиз даромад олиш шарти билан Халқ банкининг барча бўлинмалари орқали қабул қилинади.

*Шунингдек, омонатчилар фоиз даромадини ҳар ойда нақд пулда ёки омонатга маблағ кирим қилинган куннинг ўзидаёқ кўрсатилган коммунал ва бошқа хизматлар ҳамда харид қилинган маҳсулотлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш имкониятига эгалар.*




Халқ банкида аҳоли омонатлари дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

Мурожаат учун телефон: **150-12-91.**



Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м




**АВТОКРАНЫ:**

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах




**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.

E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

401R/260



«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

233-10-60
236-09-25
232-10-63

242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби **Собир Камолович КАМОЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси Экспорт қалтисликларини ва инвестицияларни суғурталаш департаменти бош менежери Бобур Бекназовга волидаи муҳтарамаси **МАЙРАМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Маркетинг ва иқтисодиёт назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Д.С.Файзуллаевага волидаси **МУҲАЙЁ онанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

